

---

Конституция байрами арафасида Ўзбекистон туманилик бир гуруҳ ёшларга фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди

Ўзбекистон туманида бўлиб ўтган мамлакатимиз Бош қомусининг 32 йиллигига бағишланган байрам тадбири давомида катта ҳаёт оstonасида турган бир гуруҳ йигит-қизларга фуқаролик паспортлари тантанали топширилди.

ID-карта шаклидаги янги биометрик паспортларни ўз эгаларига тақдим этган туман сектор раҳбарлари ёшларга юртимизда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, келажакда она Ватан, халқ манфаати йўлида камарбаста инсонлар бўлиб етишишларини тиладилар.

2024-12-07 22:55:09